



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCE.uz

30 ИЮН
№29

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 29-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
29-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
29-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-9**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 29-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 32 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛарнинг
тутган ўрни**

1. Туреев Азизбек Абатович	
ХУДУДЛАР БЮДЖЕТ СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ХОРИЖЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ	7
2. Усманов Анвар Сайдмакмудович, Хамдамов Шоҳ-жоҳон Раҳмат ўғли	
БАРҚАРОРЛИК ИҚТИСОДИЙ АТАМАСИННИНГ КЎП МАЊОЛИ ТАҲЛИЛИ	9
3. Бутабоев Даврон Баҳтиёрович	
МИКРОКРЕДИТ ТАКШИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	11
4. Оллокуловна Феруза Мунсуровна	
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
5. Муталиев Ўткирбек Нематжонович	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР	17
6. Шерзод Зиё	
ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИШГА ДОИР АСОСИЙ ШАРТЛАРНИ БЕЛГИЛАШДА ХОРИЖ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ	20
7. А.К. Абдуллаев	
К ВОПРОСУ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ ТРАНСПОРТНЫЕ КОММУНИКАЦИИ	22
8. Умурқулов Фарход Мамарасулович	
ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИННИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ	24
9. Шарифзода Сардорбек Ўрзобий табиб ўғли	
ҮҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	28
10. Худойназаров Эгамберган Мадрахимович	
ТАЪЛИМДА ФАОЛИЯТЛИ ЁНДОШУВНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	30



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

УЎК: 336.221(575.172)

ХУДУДЛАР БЮДЖЕТ СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

таянч докторант Туреев Азизбек Абатович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий
фанлар илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Тезисда солиқ ислоҳотлари ўтказилишига қонунлар қабул қилишда иштирок этадиган давлат мансабдор шахсларининг, балки иқтисодчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек тадбиркорлар ва аҳолининг айрим қатламларида солиқ тушумлари потенциали, умуман олганда барча мамлакатларда давлат даромадларининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси худудини иқтисодий ўсишини рағбатлантиришга қаратилган бюджет-солиқ механизмини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: худуд бюджети, бюджет даромадлари, соликлар, солиқ тушумлари, солиқ потенциали

докторант Туреев Азизбек Абатович
Каракалпакский научно-исследовательский
институт естественных наук Каракалпакского
отделения Академии наук Республики Узбекистан

Аннотация: В тезисе потенциал государственных чиновников, которые участвуют в принятии законов о проведении налоговых реформ, а также экономистов, ученых и специалистов, а также предпринимателей и некоторых слоев населения, является важнейшим источником государственных доходов во всех странах в целом. С целью исследования был рассмотрен опыт зарубежных стран по совершенствованию бюджетно-налоговой политики, направленной на стимулирование экономического роста территории Республики Каракалпакстан.

researcher Tureev Azizbek Abatovich
Karakalpak Research Institute of Natural
Sciences Karakalpak Branch of Academy of
Sciences of the Republic of Uzbekistan

Annotation: In the thesis, the potential of government officials who participate in the adoption of laws on tax reforms, as well as economists, scientists and specialists, as well as entrepreneurs and some segments of the population, is the most important source of state revenue in all countries as a whole. For the purpose of the study, the experience of foreign countries on improving the budget and tax policy aimed at stimulating the economic growth of the territory of the Republic of Karakalpakstan was considered.

Keywords: area budget, budget revenue, taxes, tax revenue, tax potential



Ҳозирги кунда мамлакатимиз бюджетига солиқ тушумлари таркибида ресурс солиқлари тушумларининг ролини ошириш фаол муҳокама қилинадиган масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масала нафақат, солиқ ислоҳотлари ўтказилишига қонунлар қабул қилишда иштирок этадиган давлат мансабдор шахсларининг дикқат марказида, балки иқтисодчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек тадбиркорлар ва ахолининг айрим қатламларида ҳам катта қизиқиши ўйғотмоқда. Солиқ тизимини ислоҳ қилишга оид ғоя ва ёндашувлар кенг омма фикрини ифодалаган ҳолда турли нуқтаи назарни ўз ичига олади. Ушбу мунозаранинг қизиқарли томони сифатида, эндиликда турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантиришда табиий ресурслардан фойдаланиш учун олинидиган солиқларни асосий манбага айлантириш тўғрисидаги таклифлар ҳисобланади. Иқтисодий таназзулнинг замонавий шароитида давлат бюджетини молиялаштириш учун қўшимча маблағ манбаларини топиш муаммоси тобора долзарб ҳисобланади. Бундай шароитда солиқ юкини кескин ошириш сиёсати иқтисодий ривожланиш суръатининг сезиларли даражада пасайишига ва узоқ муддатли турғунликка олиб келиши мумкин. Шундай экан, «бюджет-солиқ механизмини самарали такомиллаштириш йўли билан нафақат давлат бюджетига тушумларни сезиларли даражада ошириш мумкин, балки худудларни умуман иқтисодий ўсишига эришиш мақсадида мамлакат иқтисодиётини тартибга солишнинг ҳам самарали механизми бўлиб ҳисобланади»¹. Шу муносабат билан мамлакат худудларида самарали бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишда хорижий тажрибани ўрганиш орқали мазкур саволларга жавоб топишимиш мумкин. Шу асосда, тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқкан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси худудини иқтисодий ўсишини рағбатлантиришга қаратилган бюджет-солиқ механизмини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқамиз. Назарий ёндашувлар тавсилотидан айтиш мумкинки, иқтисодиётдаги солиқ юкининг мақбул даражаси инқирозга қарши иқтисодий ўсишини рағбатлантиради ва шунингдек саноатнинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболи нуқтаи назаридан устувор талаб қилинадиган сармояларнинг етарли оқимини таъминлайди, шу асосда худудларда иқтисодий ўсишини рағбатлантиришда муҳим омил бўлади.

Шу билан бирга, иқтисодий ривожланишнинг инновацион шароитида солиқ базасининг ўсишини таъминлайдиган потенциал заҳираларга ҳамда давлатнинг ўз фуқароларининг ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини тўлиқ қондириши учун солиқ тушумларини кўпайтиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиши табиий. Бизнинг фикримизча мазкур ғоянинг исботламаси қўйидагиларни ҳисобга олган ҳолда айни маъқул кўринади, хусусан:

1. Мамлакатимиз минтақалари ичida Қорақалпоғистон Республикаси минерал ресурслар заҳираларига бой бўлганлиги сабабли, табиий ресурсларни оқилона солиқка тортишни ташкил этиш орқали маҳаллий бюджет ғазнасини тушумлар билан жиддий равища тўлдириш имконини беради;

2. Бюджет даромадларида ресурс солиқлари салмоғини ошириш натижасида ҳозирги кундаги билвосита солиқларнинг инфляцион босимини сўсайтириш мумкин;

3. Ресурс солиқларини ошириш баробарида хўжалик субъектларининг иш ҳақи фондида солиқ юкини камайтириш ва шу тариқа бандлик ўсишини рағбатлантириш таъминланади.

Хулоса ўрнида иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу мамлакатларда ресурс солиқларининг асосий вазифаси фискал эмас, балки чекланган ва қайта тикланмайдиган минерал ҳом ашё ва бошқада табиий ресурслар тугашини олдини олишга қаратилган бўлиб, рағбатлантирувчи ҳисобланади. Бу эса, ресурс солиқларини жорий қилиш ва ҳом ашёларга тегишлигича мақбул нархлар белгиланиши қўйидаги мақсадларга хизмат қиласи, хусусан:

- минерал ресурсларни қазиб олиш бўйича харажатлар, шу жумладан ички салбий харажатларни тўлиқ қоплайди;

- ресурслардан фойдаланиш рентасининг тегишли маҳсулотлар қийматига тўлалигича қўшилишини таъминлайди;

- бирламчи табиий бойликлар тежалишини таъминлаган ҳолда қўпроқ иккиламчи ҳом ашё ва чиқиндилар ишлатилишини рағбатлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Поляк, Г.Б. Налоги и налогообложение. – М.: «Юрайт-издат», 2013. – с. 468.

¹ Поляк, Г.Б. Налоги и налогообложение. – М.: «Юрайт-издат», 2013. – с. 468.



БАРҚАРОРЛИК ИҚТИСОДИЙ АТАМАСИНИНГ КҮП МАЬНОЛИ ТАҲЛИЛИ

Усманов Анвар Сайдмаҳмудович

и.ф.д., проф. Сектор мудири, Тошкент

давлат иқтисодиёт университети

хузуридаги илмий тадқиқот маркази. Тошкент.

E-mail: a.usmanov@tsue.uz

Хамдамов Шоҳ-жоҳон Раҳмат ўғли

Докторант, Тошкент давлат

иқтисодиёт университети хузуридаги

илмий тадқиқот маркази. Тошкент.

E-mail: sh.xamdamov@tsue.uz

Моб.:998977353006

Аннотация: Мақолада барқарорлик иқтисодий атамаси, хусусан барқарор ривожланиш ва барқарор ўсишга доир юртимиз ва хорижий олимларнинг назарий қарашлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида барқарорлик иқтисодий атамаси куп (икки) маъноли эканлиги, хорижий тилларда барқарорликнинг ҳар бир маъноси учун алоҳида иқтисодий атамалар мавжуллиги аниқланган. Мавжуд муаммони бартарав этиш бўйича барқарорликнинг ҳар бир маъносига мос келувчи илмий асосли янги маънодош сўзлар (синонимлар) тавсия этилган.

Калит сўзлар: барқарорлик, барқарор ривожланиш, барқарор ўсиш, устувор ривожланиш, мӯтадил ўсиш, мӯтадил ривожланиш.

1972 йилда БМТнинг “Атров мухит ва барқарор ривожланиш (Sustainable Development) [9]”га бағишиланган халқаро конференцияси бўлиб ўтган. “Барқарор ривожланиш” яъни инглиз тилида “Sustainable Development” иқтисодий атамаси 1-бор 1987 йилда “Брундуланд маърузаси”да айтиб ўтилган[1].

Ўзбекистонга бу атама Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март БМТга аъзо бўлгандан сўнг БМТнинг мақсад ва вазифаларини Ўзбекисонда ёритиш ва амалга ошириш йўлида мутахассислар томонидан инглиз тилидаги “sustainable” яъни рус тилидаги “устойчивый” сўзи “барқарор” дея таржима қилинди ва муомалага киритилди.

Аммо бунгача рус тилидаги “стабильный” сўзи ҳам ўзбек олимлари томонидан “Барқарор” дея фойдаланиб келинайтган эди ва ҳозир ҳам фаол ишлатилмоқда.

Биз и.ф.д. проф А.Усманов бошчилигида “Барқарор ривожланиш” иқтисодий атамасини чукур ўрганиб чиқсан ҳолда қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик:

Барқарор ривожланиш – бу ривожланишнинг тикланадиган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат омиллари билан таъминланган ЯИМнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан ўсиши. Бунда ривожланишнинг барқарорлигини вақт даврларида – ривожланишнинг жорий, ўрта ва узоқ муддатли даврларида кўриб чиқиш лозим. Жорий даврда, иқтисодиётнинг ўсиши вазифаларидан келиб чиқиб ЯИМ ўсишининг юқори суръатларига эришиш мумкин. Бироқ, иқтисодиёт ривожланишининг, унинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш, ЯИМнинг ўсиш суръатлари асосан иқтисодиётни жадал ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиб, яъни кўпроқ ривожланишнинг интенсив омиллари (TFP) ҳисобидан юзага келиши керак[2].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида Барқарорлик бу – турғунлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати дея келтирилган[3].


“Барқарор” асли форсий сўз бўлиб “бар-“ префикс олд қўшимча бўлиб, “ҳамоҳанг” “мос” маъноларини англатиб “Қарор” эса “тўхтам”, “ечим”, “хулоса” маъноларини англатади. Барқарор сўзи “қарорга мувофиқ” “қабул қилинган қарорга, келишилган ечимга мос” маъноларини англатади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. “Барқарор” сўзи иқтисодиётда бугунги кунда асосан ўсиш ва ривожланишга нисбатан ишлатилади ва “барқарор” сўзи омоним (кўп маъноли) сўз бўлиб 2 та маънони англатганлиги сабабли иқтисодчиларимиз ўртасида баҳсли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда (1-расм). Шундан келиб чиқиб, қуйида биз ҳар иккала маъносига янги синонимлар таклиф этамиз (1-жадвал).



I-расм

**Барқарор омоним сўзининг маъноларининг
рус тилидаги фарқи**



I-жадвал

Барқарор сўзининг 2 та маънолари орасидаги фарқ

Барқарор		
Рус тилида	устойчивый	стабильный
Инглиз тилида	sustainable	stable
Форс-тожик тилида	устувор	устуворона
Турк тилида	kararli	istikrarlı
Янги таклиф этилаятган мувозанатли атамалари	устувор (ёки истиқболли)	мўтадил (ёки мувозанатли, турғун, равон, текис)

Бугунги кунда “Устувор” сўзи, “асосий” маъносини англатган ҳолда жуда кам қўлланилади. “устувор йўналишлар” сўз брикмасини мисол қилиб кўрсатишимиш мумкин. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига мувофиқ “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор (асосий) йўналиши” бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган. Бу ерда “устувор” сўзи маълум бир иқтисодий моделнинг “асосий” йўналишларини маълум қилмоқда.

“Мўтадил” сўзи асли арабча сўз бўлиб, “одил”, “адолат” сўzlари билан ўзакдош хисобланиб, “умуман”, ўртача”, “мевърий” маъноларини англатади ва биз таклиф этаётган маънога тўла мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Report of the World Commission on Environment and Development: Our Common Future. <http://www.un-documents.net/our-common-future.pdf>
- А.Усманов. Ички захира ва имкониятларни сафарбар қилиш стратегиясининг концептуал асослари. Монография. Б.14. Тошкент 2017.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент.
- <https://n.ziyouz.com/kutubxona/category/10-o-zbek-tilining-izohli-lug-at>



МИКРОКРЕДИТ ТАКШИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бутабоев Даврон Бахтиёрович
Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси
Телефон: (97) 422-77-11
d.butaboev@bk.ru

Аннотация. Мазкур илмий тезисда микрокредит такшилотлари фаолиятини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси билан яқиндан танишиб чиқилган. Европа иттифоқида микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартиба солишнинг хуқуқий асослари билан танишиб чиқилган.

Калит сўзлар: микрокредит, микроқарз, микролизинг, микромолиялаш, ломбардлар

Европа иттифоқи ҳудудида микрокредитлаш ижтимоий ва молиявий изоляция билан курашиш, ўз-ўзини иш билан таъминлашга қўмаклашиш ва микро фирмаларни қўллаб-куватлашнинг ўзига хос ечими сифатида пайдо бўлди. Европа Иттифоқи микрокредит ажратувчи ташкилотларни асосан бандлик ва ижтимоий инновациялар дастури (EaSI), шунингдек, Европа ижтимоий фонди (ESF) орқали қўллаб-куватлайди. Кейинги кўп йиллик доиравий дастурда (2021-2027) Ейнинг микромолиялаш секторига доир мажбуриятлари InvestEU ва ESF+ дастурлари доирасида давом этиши кутилмоқда.

Европада микрокредитлари бозори нодавлат ташкилот, нобанк молия ташкилоти ёки кредит уюшмалари/молиявий кооперативлар хуқуқий макоми остида фаолият юритаётган микрокредит тақдим этувчилари (88%) билан ажralиб туради. Бундан ташқари, микромолия ташкилотлари банклар ва давлат органлари каби бошқа хуқуқий шаклларда ҳам фаолият кўрсатади.¹

Ушбу моделларни туркумлаш уларнинг "хуқуқий" таснифига кўра ҳам амалга оширилиши мумкин: банк лицензиясига эга бўлган микрокредит ташкилоти ёки банк лицензиясиз фаолият олиб борувчи микрокредит ташкилоти.

Нобанк микрокредит ташкилотлари турли хил хуқуқий шаклларда фаолият юритадилар, уларни одатда қуйидаги тоифалар бўйича таснифлаш мумкин: нодавлат ташкилотлар, Нобанк микрокредит ташкилотлари (НБМТ), кредит уюшмалари/молия кооперативлари ва жуда камдан кам ҳолатда жамоат фондлари шаклида намоён бўлади.

Микрокредитлар бозорини тартибга солиш сиёсати молия тизимининг тарихи, иқтисодиёти ва ривожланиши билан боғлиқ турли омиллардан келиб чиқиб бир давлат иккинчисидан фарқ қиласи. Банк қонунчилиги билан боғлиқ асосий элементларнинг бальзилари Европа иттифоқи ва миллий даражада ташкил этилганлигини эътироф этиш, микрокредитлар беришда нобанк микрокредит ташкилотиларни тегишли тартибга солишни тушуниш учун жуда муҳимдир.

Европа Иттифоқининг молия тизими бўйича қонунчилик тизими молия институтлари учун микропруденциал қоидалар мажмуини белгилаб беради. Бошқа томондан, аъзо давлатлар ўз молиявий баркарорлигини сақлаб қолиш учун макропруденциал назорат қоидаларига амал қилишга чақирилади. Ушбу макропруденциал чоралар охир-оқибат тегишли аъзо давлатдаги макроиқтисодий, фискал ва молиявий вазиятга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатарларни бошқариш билан боғлиқ баҳолашни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳар бир аъзо давлат кредит муассасаларининг молия бозорида фаолият юритишига рухсат бериш учун ўзининг таркибий чора-тадбирларини қабул қилиб, ўз резидентларини ҳимоя қилишга масъулдир.

Бу борада учта асосий сценарий пайдо бўлади:

Миллий қонунчиликда микрокредит фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг мавжудлиги. Ушбу сценарий микрокредит ташкилотларининг алоҳида тоифаси (Албания, Босния ва Герцеговина, Франция, Греция, Италия, Черногория, Португалия ва Косово) киритилган мамлакатлардан бошлаб, микрокредитлар нобанк молия му-

¹ Д.Тажибаева. "Кредит муносабатлари тизимида микрокредитлаш" нмозодлк диссертацияси, Т.: 2017 йил, 224 бет



ассасалари қонунчилигига кўрсатилган маҳсулотлардан бири бўлган бошқа мамлакатларга (Руминия) қадар турли ёндашувларни қамраб олади;

Микрокредит фаолияти бўйича алоҳида қонунчилик йўқ, лекин нобанк кредит берувчиларнинг кредитлар бериш фаолияти чекланманган. Бунда нобанк молия муассасалари учун тўғридан-тўғри микрокредитлар ажратиш имконини берувчи хуқуқ тақдим этилган (Хорватия, Бельгия, Болгария, Финляндия, Венгрия, Ирландия, Люксембург, Шимолий Македония, Испания, Швеция, Нидерландия ва бошқалар). Бирлашган Қироллик);

Микрокредитлаш фаолияти хуқуқий асослари яратилмаган ва фақат банклар учун кредит бизнесини олиб бориш тақдим этилган (банк монополияси) сценарий. Агар нобанк микрокредит муассасалари банклар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормаса, (Австрия, Германия ва Сербия) микрокредитлар ажратиш фаолияти билан шуғулланиш қатъий чекланган.¹

Микрокредит ташкилотларининг хуқуқий шаклига тўхталадиган бўлсак, баъзи мамлакатлarda, микрокредит фақат тижорат ташкилотлари томонидан тақдим этилиши мумкин, мисол учун, Португалия, Руминия (бошқа қонун хужжатларига мувофиқ микроқарз берувчи кредит уюшмалари бундан мустасно), Албания ва Черногория. Аксинча, Франция қонуни нодавлат нотижорат ташкилотларга микроқарзларни беришни чекловчи ягона мамлакат ҳисобланади. Қолган ҳолларда (Босния ва Герцеговина, Греция, Италия ва Косово) қонунчиликда аралаш ёндашув танланган бўлиб, унда бозорда ҳам нотижорат, ҳам тижорат ташкилотлари фаолият юритиши мумкин.

¹ Cristina Ruesta, Nicola Benaglio (2021) Microcredit regulation in Europe: An overview



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Оллокулова Феруза Мунсуронна,
Тошкент Молия Институти докторантни
Телефон: +998907475865

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий бюджет даромадларининг таркиби, иқтисодий мөҳијати ва назарий ёндошувлар ҳақида сўз юритилган. Бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадлар манбаи ва даромадларнинг дефицит ёки профицит билан чиқиши Ўзбекистонда долзарб ва ўрганиш учун муҳим объектлардан ҳисобланади.

Калит сўзлар: Бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, дефицит, профицит.

Мамлакатимизда бюджет-солик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсади мужассам-дир. Хусусан, иқтисодиётда солик юкини янада камайтириш, солик солиш механизмини соддалаштириш ҳамда солик маъмурчилигини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ана шу мақсад рўёбига қаратилмоқда. Маҳаллий бюджет даромадларини кенгайтириш ҳамда солик тўловчиларни аниклаштириш ва унга нисбатан ёндашувларни асосланган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда маҳаллий бюджетларни молиявий барқарорлигини ошириш мамлакат миқёсида бир хил хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин худудий нуқтаи назардан ўзаро фарқланиши мавжуд бўлади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, даромадлар базасининг яхши шаклланганлиги, иккинчидан харажатларнинг барқарорлигига эришилиши билан ифодаланади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида”да тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбайнини кенгайтириш вазифаси қўйилган. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 9 июн куни бўлиб ўтган миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишлиган йиғилишда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш йўналишларини санаб ўтди. Йиғилишда давлат раҳбари янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, шу борадаги 8 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди. Мазкур фармон 2017—2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувоғиқ ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш, юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш, уйжойкоммунал, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизациялаш ва техник янгилаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб бориши ва масъулиятини ошириш мақсадида қабул қилинди. Фармонда мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифалари этиб аҳолининг реал даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг барқарор молиялаштирилишини таъминлаш, марказ бюджетига қарамликни кескин камайтириш, бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш белгиланди.

Бу йўналишларнинг биринчиси, - иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш эканлиги таъкидланиб, барча соҳаларга бюджет тушуми ва харажатларини оптималлаш-



тириш топширилди. Корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадларни таъминлаш, ташки қарз битимларини тузишда белгиланган чекловдан ошмаслик бўйича кўрсатма берилди¹. Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳудуднинг молиявий потенциалига боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ҳозирда мавжуд бўлган вертикал молиявий ваколатларни горизонтал хусусиятга ўтказишни тақозо этади. Ушбу ҳолатнинг жорий этилмаслиги молиявий мустақилликни истиқболини мавхумлаштиради. Умуман олганда, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиясини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб – молиявий мустақиллик ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, даромадлар базасининг яхши шаклланганлиги, иккинчидан харажатларнинг барқарорлигига эришилиши билан ифодаланади. Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳудуднинг молиявий потенциалига боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ҳозирда мавжуд бўлган вертикал молиявий ваколатларни горизонтал хусусиятга ўтказишни тақозо этади. Ушбу ҳолатнинг жорий этилмаслиги молиявий мустақилликни истиқболини мавхумлаштиради.

Шу боисдан, маҳаллий бюджетларнинг харажатларини амалга оширишдаги барқарорлиги молиявий старегияни мустақил шакллантиришдаги ваколатларнинг мавжудлиги билан изохланади. Ўзбекистон шароитида маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда харажатлар ягона ҳуқуқий хужжат билан белгиланади ва даромадлар марказга тўпланиб, қайта тақсимлаш орқали ҳудудларга берилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан, Проф. А.Бурханов ва доц. Х.Курбонов² ҳудудларда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган илмий хулосаларини асослаб беришади. Улар тадқиқотларини ҳудудлар мисолида амалга оширишади. Натижада қуйидаги илмий хулосаларни келтиришади: биринчидан, Ҳудудларда давлат бюджетига ундирилган даромадларда нисбатан иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳудудларнинг улуши юқори бўлмоқда. Иккинчидан, таҳлил қилинаётган даврларда Қашқадарё вилоятининг айrim туманларида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестицион фаолликни янада ривожлантириш ҳисобига янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, соликлар бўйича мавжуд қарздорликни камайтириш ва норасмий секторда фаолият юритувчи субъектларни расмий секторга ўтказиш билан боғлиқ қатор ислоҳотлар натижасида таъминламоқда, деб қайд этишади.

Доц. Н.Коротина маҳаллий бюджетлар молиявий ҳолатини баҳолашга нисбатан таҳлил методикасини таклиф этади. Унга кўра, кўрсаткичлар бешта гурухга ажратилиб кўрсатилади, улар³: – баланслаштирилган маҳаллий бюджет кўрсаткичлари; – муниципал тузилманинг молиявий мустақиллик кўрсаткичлари; – бюджет харажатлари соҳасида муниципал бюджет сиёсати йўналишларини характерловчи кўрсаткичлар; – муниципал тузилманинг бюджети барқарорлиги кўрсаткичлари; – муниципал тузилманинг қарздорлик кўрсаткичлари.

Бундан ташқари иқтисодчи олим, А.Маманазаров⁴ маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда соликларнинг ролини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб борган. Унинг фикрига кўра, бюджетнинг барқарорлиги қуйидаги икки жиҳат билан ифодала-

¹ Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди//Халқ сўзи, 2020 й.

² Бурханов А.У., Курбонов Х.А. Ҳудудларда маҳаллий бюджетлар даромадлар манбанин кенгайтириш йўллари (қашқадарё вилояти мисолида)// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил.

³ Коротина Н.Ю. Методика анализа финансового состояния бюджетов муниципальных образований//Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. – М., 2014. – №17(353). – С.17-28.

⁴ Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда соликларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2002. – 22 б.



нишини қайд этиб ўтади. биринчидан, бу бюджетнинг баланслашган бўлиши ва тақчиллик бўлмаслигини билдиради; иккинчидан, бу тақчиллик бўлганда ҳам уни бир меъёрда сақланишини англатишини таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, З.Рўзиев¹ маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш юзасидан тадқиқотларни амалга оширган бўлиб, ҳудудларда миқёсида муаммоларни ўрганиб уларни қўйидагича тизимлаштириб беради: биринчидан, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқларнинг йиғувчанлик даражаси пастлиги ва солик тўловчиларнинг тўлиқ давлат рўйхатига олинмаганлиги. Иккинчидан, маҳаллий молия таркибида маҳаллий бюджет ва корхоналар молиясини шакллантириш бўлиб, боқиманда дебитор-кредитор қарздорликлар йилдан-йилга оши бораётганлиги. Маҳаллий корхонларнинг қўшимча қиймат яратишга йўналтирилмаганлиги, тўртинчидан умумдавлат солиқлари бўйича тушумлардан ажратмалар нормативини белгилаш ва маҳаллий бюджетларга дотациялар ажратиш билан боғлиқлиги қайд этиб ўтилади.

Бундан ташқари, А.Хайриддинов маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган илмий хуносаларни шакллантириб берган².

Маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини ифода этувчи кўрсаткичларни тизимлаштириб беради.

Улар: а) маҳаллий бюджетларнинг харажатлари даражасида уларнинг шунга teng бўлган даромадлар билан таъминланганлиги;

б) республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари даражасини характеристиковчи кўрсаткич;

в) маҳаллий бюджетларнинг харажатларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ молиялаштирилганлигини ифодаловчи кўрсаткич;

г) маҳаллий бюджетларнинг даромад базалари сифатида эътироф этилган даромадларнинг белгиланган суммалари ва ўз вақтида бюджетга тўлиқ тушиши кўрсатувчи кўрсаткич;

д) маҳаллий бюджетлар умумий даромадлари таркибида бириктирилган даромадларнинг салмоғи орқали ифодаланувчи кўрсаткич;

е) маҳаллий бюджетлар умумий даромадларининг таркибида тартибга солувчи даромадларнинг салмоғи орқали ифодаланувчи кўрсаткич;

ё) маҳаллий бюджетларни мақсадли субвенциялаштириш кўрсаткичи;

ж) маҳаллий бюджетлар харажатлари бир қисмининг дотациялар ҳисобидан қопланиш даражаси орқали ифодаланувчи кўрсаткичи кабиларни келтириб ўтади. Ш.Қиёсов маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида табақалаштирилган даромад тушумларини маҳаллий ҳокимият органларига қуйидаги ваколатларни беришни тавсия этади³:

– минтақлардаги солиқларни мувозанатлаш ва бюджет эҳтиёжларини мувофиқлаштириш;
– инвестициялар, бандлик бозорлари фаолиятини таъминлаш мақсадида табақалаштирилган солик режимларини ўрнатиш;

– юқори ва қўйи бўғинларини бир-бирига бўйсимишини янгилаш ва тизимлаш; – минтақада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида табиий захиралардан фойдаланиш солиғи ставкаларини белгилаш;

– имтиёзли солик солишининг устувор йўналишларини белгилаш.

Шундай қилиб, ҳудудий имкониятлар ва маҳаллий бюджетларнинг молиявий имконият-

¹ Рўзиев З.И. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2011. – 22 б.

² Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромадлар базаларининг барқарорлигини таъминлаш ўйлари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2011. – 22 б.

³ Қиёсов Ш. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш муаммолари//Молия журнали. –Т.: 2014. -№1. – Б. 36-40.



лари тўғрисида тадқиқотлар олиб бориб илмий хуносаларни шакллантириб беради¹. Унинг фикрига кўра, маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари тавсифланганда даромадлар базаси билан чекланиб қолмасликни, балки уни ўсиб бораётган мажбуриятлар суръатларига мувофиқ тарзда давлатнинг қўшимча тадбирлари тизимидағи аниқ чоралар билан ҳам мувофиқлаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Яъни “маҳаллий бюджетлар молиявий имконияти унинг харажатлари динамикасидаги ўсиш суръатларига, шунингдек жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланган бюджет меъёрларининг бажарилишини таъминлашга имкон берувчи даромад базасидир” деб қайд ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган).
2. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. –480 б.
3. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўкув қўлланма. Учинчи нашр. –Т.: Iqtisod-moliya, 2010. –534 б.

¹ Қобулов Ҳ.А. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: и.ф.н. автореферат. – Т.: БМА. 2011. – 22 б.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Муталлиев Ўтқирбек Нематжонович
Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси
Телефон: (97) 456-22-11
m.madraximov@list.ru

Аннотация. Мазкур илмий тезисда тижорат банклари ликвидлигига таъсир этувчи омиллартўғрисида илмий адабиётларда келтирилга фикр-мулоҳазалар билан таниширилган. Шунингдек, муаллифнинг банк ликвидлигига таъсир этувчи омиллар борасидаги шахсий қарашлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: ликвидлик, форс-мажор, банк рисклари, банк имиджи, ички ва ташқи омиллар, диверсификация

Шуни таъкидлаш керакки, банкнинг ликвидлиги мураккаб кўрсаткичdir. Бундан ташқари, тижорат банкларининг ликвидлиги молиявий барқарорлик ва ишончлилик каби тушунчалар билан характерланади.

Банкнинг ишончлилиги унинг мустаҳкамлиги бўлиб, ушбу банкда хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг ишонч даражасидир. Банкнинг молиявий барқарорлиги одатий ривожланиш лаёқати билан тавсифланади, булар учун бир қатор мезонлар ажратиб кўрсатиш мумкин, жумладан, баланс пассивидаги ўзлик маблағларининг улуши, келгусида банкнинг ўзлик капиталини олинган фойда, мижозлар базасининг барқарорлиги ва бошқалар.

Тижорат банкининг ликвидлигига таъсир кўрсатадиган бир қатор омилларни қайд этиш керак:


- тижорат банкининг фаолиятига нисбатан: ташки, ички;
- таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича: салбий, ижобий;
- мазмuni бўйича: сиёсий, ижтимоий, иқтисодий;
- таъсир қилиш давомийлиги: доимий, форс-мажор вазият;
- бошқариш имконияти бўйича: тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган.¹

Кўпинча тижорат банклари ликвидлигига таъсир этувчи омиллар икки гурухга бўлинади: ташки ва ички. Ташки омиллар орқали ташки муҳит тижорат банкининг фаолияти билан таъсир ўтказади, ички омиллар банк даражасида ишлайди ва банкнинг сиёсати билан боғлиқ, банк сиёсатини ўзгартиради, ликвидликнинг салбий ўзгаришига олиб келадиган омилларнинг таъсирини чеклаш мумкин. Тижорат банкининг ликвидлигига таъсир қилувчи барча омиллар ягона тизим сифатида қаралиши керак. Шуни унумтмангки, ташки омиллар банк томонидан осонлик билан таъсиранмайди, шунинг учун ички омилларга кўпроқ эътибор қартиш, уларга ликвидлик хавфини камайтириш мақсадида таъсир кўрсатиш керак.

Фикримизча, тижорат банклари ликвидлилигига таъсир қилувчи омиллар ички ва ташки омилларга гурухланган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофик.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг мураккаб жараён эканлигини унга таъсир этувчи омилларнинг таснифи ҳам тасдиқлайди (1-расм).

¹ Завялова Е.Н. Факторы, влияющие на ликвидность коммерческого банка // Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития, 2015



1-расм. Тижорат банклари ликвидлилигига таъсир этувчи омиллар¹

Банклар ликвидлилигига таъсир этувчи ички омилларга банкнинг капитал базаси, активлари сифати, депозит базаси, менежмент савияси ва сифати, банк баланси талаб ва мажбуриятларининг холати, қимматли қоғозлар ва кредит портфелининг сифат даражаси, mijozlар базасининг ўзига хос xususiyatlari, bank imidжи, ташки манбалардан маблағларни жалб қилиш имкониятлари каби омиллар тааллуқдидир.

Энди банк ликвидлилигига сезиларли даражада таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишга ва баҳолашга ҳаракат қиласиз.

Банк капитали унинг фаолияти баркарорлиги ва ишончлилигини таъминлашга хизмат қилиб, банк мажбуриятлари бажарилиши ва рискларни қоплаш бўйича энг муҳим кафолат ҳамdir. Шу боисдан, ривожланган давлатларда mijozlар bankni танлар экан, банкнинг капиталлашув даражасига алоҳида эътибор қартишади.²

Одатда тижорат банки банкротликка юз тутганда унинг капитали mijozlар ва таъsischilar олдидағи мажбуриятларни қоплашга йўналтирилади. Шу сабабли ҳам, капитал ҳажми қанчалик кўп бўлса, шунга мутаносиб равишда банкнинг тўловга қобиллиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бундан кўринадики, банкнинг капитал базаси унинг ликвидлилигига таъсир этувчи муҳим ички омиллардан бири ҳисобланади.

Тижорат банклари ликвидлилигига таъсир қилувчи ташки омиллар ичida мамлакатдаги иктиносидий ва сиёсий вазиятнинг баркарорлиги муҳим ҳисобланади. Мамлакатда иктиносидий ва сиёсий вазият баркарор бўлсагина, тижорат банклари операциялари кўламини ошириш, ривожлантириш ва самарали фаолият юритиш учун зарурӣ шарт-шароит юзага келади.

¹ Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка: учебник/-2 -е изд., стереотип. -М.: Омега-Л, 2011. – 325 с.

² Банковское дело: Учебник. -5-е изд., перераб. и доп./Под.ред. Г.Н.Белоглазовой. –М.: Финансы и статистика, 2005. – 553 с



Шунинг билан биргаликда, тижорат банклари фаолиятида иқтисодий барқарорлик хорижий инвесторларнинг миллий банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, банкларнинг юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш учун замин яратади. Хусусан, бошқа хўжалик субъектлари қатори тижорат банклари ҳам иқтисодиётнинг тезкор ўзгариши шароитида шаффофлик ва очиқлик тамойилларига риоя қилишлари муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, мамлакатда банк қонунчилигини такомиллашганлик даражаси ҳам ликвидлиликка таъсир этади. Чунки, банк фаолиятини тартибга солишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлмас экан, бу ҳолат бир тижорат банки фаолиятидаги камчилик орқали юзага келган муаммонинг бутун банк тизимига юқори суръатларда тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу каби муаммолар тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг ролини ошириш орқали ҳал этилиши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Банковское дело: Учебник. -5-е изд., перераб. и доп./Под.ред.
2. Г.Н.Белоглазовой. –М.: Финансы и статистика, 2005. – 553 с
3. Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка: учебник/ -2 -е изд., стереотип. -М.: Омега-Л, 2011. – 325 с.
4. Завялова Е.Н. Факторы, влияющие на ликвидность коммерческого банка // Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития, 2015
5. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти



ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИШГА ДОИР АСОСИЙ ШАРТЛАРНИ БЕЛГИЛАШДА ХОРИЖ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Шерзод Зиё

Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси

Телефон: (90) 982-00-50

ceo_bank9006@bk.ru

Аннотация. Мазкур тезисда фуқаролар томонидан тижорат банкларида ипотека кредитлари олиш жараёнида банклар томонидан бел гиланган шарт-шароитлар, уларни енгиллашириш борасидаги имкониятлари ўрганиб чиқилган. Ипотека кредитлари ажратиш учун белгиланган шартлар ва ривожланган давлатлар банклари томонидан таклиф этилаётган ипотека кредитлари учун белгиланган шартлар таққослаб ўтилган.

Калит сўзлар: ипотека, кредит портфели, кўчмас мулк агентликлари, қайта молиялаштириши ставкаси, узоқ муддатли кредит, қисқа муддатли кредит

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳар доимгидан-да жадаллашиб кетгандай. Хусусан, арzon уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги меъморий ва техник ечимларни жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Бу, албатта, ҳалқ фаровонлиги ва аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиляпти.

Аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий бозор тизимини шакллантириш, уй-жойлар қурилишига хусусий пурдат ташкилотларини жалб қилиш, тижорат банклари томонидан молиялаштиришни босқичмабосқич ошириш, шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оиласидан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Маълумотларга кўра:

2019 йилнинг 10 ойи давомида тижорат банклари 41 минг нафар жисмоний шахсга 5,9 трлн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратган. Мазкур кредитларнинг 99 фоизи (5 трлн. 848 млрд. сўм) бирламчи бозорга, 1 фоизи (61 млрд. сўм) иккиласми бозорга йўналтирилган.

2020 йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари 50627 нафар жисмоний шахсга 6,4 трлн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратган. 2021 йилда эса ипотека кредитларининг 4 трлн. 474,1 млрд. сўми бирламчи ва иккиласми бозордаги уйларни сотиб олиш учун берилиши кўзда тутилган.¹

Шундай бўлса-да, ипотека кредити билан боғлиқ хукуқий масалалар юзасидан олиб борилган таҳлиллар соҳада бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан:

– Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 3 январдаги «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида»ги 2-қарорида фуқароларга ипотека кредити ажратишда кредит олиш учун ариза берувчи ва у билан бирга яшайдиган оила аъзолари даромадлари тўғрисида доимий иш жойидан охирги 12 ой учун маълумотнома тақдим этиши белгиланган.

Ушбу қоида ипотека кредити олишда аҳолининг маълум қатламлари, яъни янгидан иш бошлигар ёки фаолияти ушбу даврга мос келмайдиган фуқароларнинг хукуки чекланишига олиб келмоқда.

Хорижий мамлакатлар, масалан, Франция ёки Кипрда ипотека кредити учун кредит олувчининг даромадлари тўғрисидаги охирги 3 ойлик маълумот талаб этилади.

– Тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкалари ниҳоятда юқорилиги боис ипотека кредитини олишда муаммолар вужудга келмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айни пайтда тижорат банклари аҳолига ипотека кредити ажратишда 17 фоиздан 23 фоизгача миқдорда фоиз ставкаси белгиламоқда. Юқори фоиз ставкалари аҳолининг кам даромадли қатламининг ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятини чекламоқда.

Хорижий мамлакатларда, хусусан, Францияда ипотека кредити ставкаси қуйидаги уч

¹ www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.



турга ажратилади:

– Белгиланган фоиз ставкаси асосида ипотека кредити.

Бунда фоиз ставкаси 3 фоиздан 3,5 фоизгача бўлиб, ушбу ставка турининг асосий устунлиги – бозор тенденцияларидан қатъи назар, кредит ставкаси ва муддати ўзгармайди. Белгиланган ставка фақатгина кредитни қайта молиялаширишда ўзариши мумкин.

– Ўзгарувчан фоиз ставкаси асосида ипотека кредити.

Бунда фоиз ставкаси 1,3 фоиздан 2 фоизгача ўзгариб туради. Яъни фоиз ставкаси ҳар 3-6 ойда ўзгариб туриши мумкин. Аммо қонунчиликка асосан ипотека кредити шартномаларида «тux сарé» банди бўлиб, бу ўзгарувчан ставкани ± 1 ёки 2 фоиз чегарасида ўзгартиришгагина имкон берилади.

– Аралаш фоиз ставкаси асосида ипотека кредити.

Ушбу турда ипотека кредити дастлабки 7-10 йил ичида паст ставкада фоиз тўлаган ҳолда фойдаланиш имконини беради.

Британияда ўзгарувчан фоиз ставкаси, Германия ва Испанияда белгиланган фоиз ставкаси, Дания ва АҚШда белгиланган фоиз ставкасида (Fixed-Rate Mortgage) ва ўзгарувчан фоиз ставкасида (Adjustable-Rate Mortgage) ипотека кредитлари ажратилади.

Шунингдек, АҚШда йиллик ўртacha 3,5-7 фоиз, Германияда йиллик ўртacha 1,5-3 фоиз, Японияда йиллик ўртacha 1,5-2 фоиз, Швецияда йиллик ўртacha 2 фоиз ставкасида ипотека кредитлари тақдим этилишини кўриш мумкин.¹

– Аҳолига ажратиладиган ипотека кредити муддатларининг қисқалиги ушбу турда кредит олишга бўлган талабнинг камайишга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4701-қарорининг 5-бандида жисмоний шахсларга ипотека кредитлари 20 йил муддатга берилиши назарда тутилган.

Хорижий мамлакатларда банклар ипотека кредитини 1 йилдан 30 йилгача, айrim ҳолатларда 50 йилгача (масалан, Словакияда 1 йилдан 30 йилгача, АҚШда 5 йилдан 30 йилгача, Германияда 30 йилгача, Швеция ва Японияда 50 йилгача) бўлган муддатга беради.

Канадада ипотека кредитининг муддати кредит олувчи тўлайдиган дастлабки бадал миқдори билан боғлиқ. Банкка тўланадиган дастлабки бадалнинг энг кам миқдори сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 5 фоизи бўлиб, сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 20 фоизидан кам бўлса 25 йил муддатга, 20 фоизидан ортиқ бўлса 30 йилгача бўлган муддатга тақдим этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

2. Алимардонов И.М. Ўзбекистонда ипотекали кредитлашни ривожлантириш истиқболлари. И. ф.н. илм. дар. олиш учун тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2009. – Б. 17.

¹ Алимардонов И.М. Ўзбекистонда ипотекали кредитлашни ривожлантириш истиқболлари. И . ф.н. илм. дар. олиш учун та д. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2009. – Б. 17.



К ВОПРОСУ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ ТРАНСПОРТНЫЕ КОММУНИКАЦИИ

А.К. Абдуллаев,

Старший преподаватель,

Кафедра «Международные финансы и инвестиции»,

Университет мировой экономики и дипломатии

Телефон: +998946086447

e-mail: azizabdulla1982@gmail.com

Аннотация: Статья рассматривает вопросы связанные с определением понятия транспортные коммуникации и подходы ученых к определению терминов связанных с транспортом.

Ключевые слова: транспортные коммуникации, транспортный сектор, транспортная инфраструктура, транспортный комплекс.

В соответствии с юридическим словарем транспортные коммуникации представлены автомобильными и железными дорогами, мостами и туннелями, авиалиниями и аэродромами, водными путями, речными и морскими портами, терминалами, системами и средствами электроснабжения, сигнализации, связи и управления движением и другими сооружениями, используемыми при перевозке грузов, пассажиров и багажа, а также предназначеными для технического обслуживания транспортных средств.¹

Примечателен тот факт, что большинство русскоязычных и узбекско язычных источников, относящихся к транспортным коммуникациям, определяют транспортную инфраструктуру, транспортный сектор, транспортную отрасль как термин, но не самих транспортных коммуникаций. Безусловно, такие понятия, как транспортный сектор, транспортная инфраструктура, транспортная отрасль, имеют значение, близкое к транспортным коммуникациям, но мы считаем, что последнее гораздо шире по значению, и ни одно из вышеперечисленных понятий не может полностью заменить термин "транспортные коммуникации".

В источниках на английском языке подход совершенно иной. Они практически не используют концепцию транспортных коммуникаций в данном виде. Они часто используют термин "коммуникации", который включает в себя транспортный сектор. Однако термин "коммуникации" является довольно широким термином и включает в себя множество других компонентов в дополнение к транспортному сектору.

В экономической теории транспортный комплекс рассматривается как важнейшая составляющая производственной и социальной инфраструктуры. Под комплексом обычно понимают целостную систему, которая характеризуется однородностью, единством и взаимосвязью ее элементов, и в экономическом контексте комплекс следует интерпретировать как совокупность хозяйствующих субъектов, являющихся звенями единой цепи, производящей однородную продукцию.

Ссылаясь на различные научные источники, касающиеся транспорта, можно сделать вывод, что существуют различные подходы к данному вопросу. Одни авторы в первую очередь акцентируют внимание на технической составляющей транспортного комплекса,² другие эксперты делают акцент как на производственной, так и на экономической составляющей.³

Л. В. Эйхлер, например, назвал транспортный комплекс конечной совокупностью хозяйствующих субъектов, объединенных общим видом деятельности, которым является оказание транспортных услуг.⁴

¹ Юридический словарь -- информационно-аналитический ресурс, отражающий разнообразие и особенности современной терминологии белорусского законодательства [Электронный ресурс] – URL.: <http://multilang.pravo.by/ru/Term/Index/25224?langName=ru&ch=%D0%A8&size=25&page=1&type=3>

² Белов И. В., Персианов В. А. Экономическая теория транспорта в СССР: Исторический опыт, современные проблемы и решения, взгляд в будущее. М. : Транспорт, 1993. 220 с.

³ Садриев Д. С. Управление грузовым автотранспортным комплексом. Системно-синергетический подход. СПб. : СПбГИЭА, 1999. 198 с.

⁴ Эйхлер Л. В. Теоретическое осмысление интеграционных процессов на транспорте (на примере автомобильного транспорта). Вестник Томского государственного университета, 2012, (365).



Так или иначе транспортные сектора служат основой для формирования национальных и международных рынков и развития экономики страны. Современный транспортный комплекс подвержен влиянию противоречивых тенденций: с одной стороны, являясь сектором инфраструктуры, транспорт зависит от отраслей производства материальных благ, с другой стороны, он оказывает существенное влияние на региональное распределение производственных мощностей, участвует в процессе воспроизводства и является важной составляющей системы экономических отношений.

Список использованной литературы:

1. Белов И. В., Персианов В. А. Экономическая теория транспорта в СССР: Исторический опыт, современные проблемы и решения, взгляд в будущее. М. : Транспорт, 1993. 220 с.
2. Садриев Д. С. Управление грузовым автотранспортным комплексом. Системно-сингергетический подход. СПб. : СПбГИЭА, 1999. 198 с.
3. Эйхлер Л. В. Теоретическое осмысление интеграционных процессов на транспорте (на примере автомобильного транспорта). Вестник Томского государственного университета, 2012, (365).
4. Юридический словарь -- информационно-аналитический ресурс, отражающий разнобразие и особенности современной терминологии белорусского законодательства [Электронный ресурс] – URL.: <http://multilang.pravo.by/tu/Term/Index/25224?langName=ru&ch=%D0%A8&size=25&page=1&type=3>



ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИННИГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Умурқулов Фарход Мамарасолович
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
Тел: 993888855

Мақолада бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг шакллантирилиши, молиявий ҳолати ва унинг таҳлили ҳамда суғурта бадалларидан тушумлар ва Пенсия жамғармасидаромадларининг корреляцион таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган, жамғарма молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: пенсия, пенсия таъминоти тизими, Пенсия жамғармаси, ягона ижтимоий тўлов, ижтимоий суғурта, молиявий барқарорлик, корреляция коэффициенти

ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПЕНСИОННОГО ФОНДА ПРИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕНСИОННО- ГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

В данной статье рассмотрены вопросы формирования доходов и анализа финансового состояния внебюджетного пенсионного фонда и проведен корреляционный анализ поступлений страховых премий и доходов пенсионного фонда. А также проанализированы факторы, влияющие на финансовое состояние пенсионного фонда и выработаны предложения и практические рекомендации по обеспечению финансовой устойчивости фонда.

Ключевые слова: пенсия, пенсионная система, Пенсионный фонд, единый социальный платеж, социальное страхование, финансовая стабильность, коэффициент корреляции

WAYS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION FUND WHEN IMPROVING THE STATE PENSION PROVISION

This article discusses the issues of revenue generation and analysis of the financial condition of an extrabudgetary pension fund and carries out a correlation analysis of insurance premium income and pension fund income. It also analyzes the factors affecting the financial condition of the pension fund and develops proposals and practical recommendations for ensuring the financial stability of the fund.

Keywords: pension, pension system, Pension Fund, single social payment, social insurance, financial stability, correlation coefficient

Кириш

Мамлакат тараққиётифуқаролар турмуш кечириш даражасининг яхшиланишида намоён бўлади. Шунингдек, аҳолининг кексайганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганида турмуш даражасини яхшилашга ва уларни камбағалликдан химоялашда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий химоя институтларидан бири сифатида хизмат қиласи. Хусусан, мамлакатда икки даражадаги пенсия тизими, яъни давлат пенсия таъминоти ва жамғарив бориладиган пенсия таъминоти тизимлари амал қилиб турган бир даврда давлат пенсия таъминоти тизимининг самарали фаолият кўрсатиши ва унинг молиявий барқарорлиги уша мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсагади. Шунинг учун ҳам давлат пенсия таъминотини такомиллаштиришда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Пенсия таъминотида давлат пенсияси муҳим аҳамиятга эга бўлмаган давлатлар ҳам мавжуд бўлиб, “Германияда пенсия тизими учта устунга асосланади: давлат пенсиялари, иш берувчиликлар (касбий, корпоратив) пенсиялари ва шахсий (нодавлат) пенсиялар”[1]. Бунда албатта



асосий пенсия иш берувчи ва нодавлат пенсиялар ҳисобланади.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[2] асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидатъкидлаган кўйидаги сўзларини келтириш ўринлидир:“Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, ҳалқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислоҳотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий химоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади”[3].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Халқаро иқтисодчи олимлар Д.Амаглобели, X.Чаи, Э.Дабла-Норрислар пенсия таъминотини молиялаштиришда миллий жамғармаларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлашади, шунингдек демографик ўзгаришлар кескин тус олаётган бир пайтда индивидуал капиталлашувни ошириш пенсия таъминоти барқарорлигини кафолатлашини тадқиқ этишмоқда[4].

Россиялик иқтисодчи олим В.Роик Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини оширишда ижтимоий суғуртанинг роли, унинг аҳамияти бўйича ўзининг илмий тадқиқотларини олиб борган [5].

Ўзбекистонлик олимлардан Д.Рустамов[6] ва Ш.Давроновларнинг[7] илмий ишларида Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ҳамда Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари тадқиқ этилган бўлиб, улар юзасидан муҳим илмий хуросалар шакллантирилган ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Бугунги кунда Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тайинлаш, тўлиқ миқдорда молиялаштириш, тўловлар устидан мониторинг юритиш, пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларнинг мақсадлилиги юзасидан назоратни кучайтириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистонда пенсия таъминотини амалга оширувчи асосий молиявий муассаса бўлган Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига Пенсия жамғармасига жамланадиган маблағларнинг ҳажми ва уларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳамда Пенсия жамғармасидан тўланадиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқат тўловларнинг молиялаштирилиши таъсир кўрсатади. Давлат пенсия фондлари барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бу борада АҚШлик олим Jung Peng томонидан айтилган фикрлар аҳамиятлидир: “...пенсия таъминоти бошқаруви, нафақат, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига, балки бутун давлат секторининг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади, шу сабабли пенсия таъминоти бошқаруви давлат пенсия тизимига пенсия бадалини тўловчи ва келгусида ундан ҳукумат томонидан кафолатланган пенсия тўловларини оловчи ҳар бир шахсга дахлдор бўлмоғи лозим” [8].

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек, бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлаш белгилангандай”[11]. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан Пенсия жамғармасига ундириладиган маблағлар солиқларга тенглаштирилган бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий равишда ундирилади ва маблағларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилиши давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган.

Сўнгги йилларда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар



ва ахолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор мамлакатимиз ҳудудларида иш ҳақи, пенсия, нафака ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд ахволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинган бўлиб, 2017 йил феврал ойидан бошлаб[12]:

- барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

- 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар ахолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

“Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг муҳим сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларини бажариш учун молиявий ресурсларнинг этишмаслигидир. Ушбу муаммо ахолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиқкан ҳолда алоҳида аҳамият касб этади”[13].

1-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва унинг ялпи ички маҳсулотга нисбати[14]

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ялпи ички маҳсулот (номинал) млрд. сўмда	97929,3	118987	144868	171369	249130	407514,5	424100
Пенсия жамғармаси маблағлари млрд. сўмда	8065,4	10302,1	13013,7	16557	19505,1	23240,1	23656,6
Пенсия жамғармаси маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %да	8,2	8,7	9,0	9,7	7,8	5,7	5,6

1-жадвал маълумотларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 2018 йилда 2012 йилга нисбатан 4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо Пенсия жамғармаси маблағларининг ЯИМдаги улушкини охирги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2019 йил прогнозларига кўра эса 5,6 фоизни ташкил қилмоқда.

2019 йилда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилган ўзгаришлар Пенсия жамғармаси даромадлари таркибида ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар қўйидагилардир:

- ўтган 2018 йил ҳолатига кўра аксарият ишловчилардан ташқари қолган барча ишловчи пенсионерларга пенсиянинг 50 фоиз микдори тўланади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.11.1995 йилдаги ПФ-1289-сон Фармони). Тўлиқ пенсия олиш ҳукуқига эга бўлган ишловчи пенсионерлар тоифаси (ногиронлар, уруш қатнашчилари ва маълум бир лавозимлар) 2018 йил 1 май ҳолатига кўра 31 тани ташкил қилмоқда. Бироқ шу пайтгача 100 фоиз пенсия оладиган ишловчи пенсионерларнинг барча тоифалари битта тўлиқ рўйхат ҳолига келтирилмаган, улар турли норматив хужжатларда алоҳида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5597-сонФармонига кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ микдорда тўланиш бошланди[15];

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қиладиган бўлсак, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат пенсия таъминотини молиялаштириш билан шуғулланадиган ягона марказлашган жамғарма эканлигини



ҳисобга олиб, жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва демографик ўзгаришлар натижасида салбий таъсирлардан жамғармани ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади ва бу эса доимий равишда илмий ва амалий изланишлар олиб боришилигини тақозо этади.

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини молиялаштиришнинг молиявий манбаларини такомиллаштиришда қуидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси молиявий манбаларини такомиллаштиришда амалга оширилган корреляция боғлиқлиги натижаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда суғурта бадали тўловлари бўйича тушумлар миқдорини кўпайтириш энг муҳим омил эканлигини ҳисобга олиб, 2019 йилдан ундирилиши бекор бўлган ишловчиларнинг иш ҳақиларидан мажбурий тартибда ундириладиган суғурта бадалини қайта босқичма-босқич жорий қилиш мақсадга мувофиқ ва бу албатта жамғарма даромадларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йил бошига ва йил охирига ижобий салдога эга эканлигини, бўш турган пул маблағларини факат тижорат банкларига фоиз ҳисобига депозитларга жойлаштирилаётганлигини ҳисобга олиб, жамғарма маблағларини инвестицион фаолиятга кенгроқ жалб қилиш керак.

3. Бўлажак пенсионерларнинг пенсия ёшига етганида етарли даражада пенсия билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда давлат кафолати остида нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш мақсадга муфовик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Eibich P., Siedler T. Retirement, intergenerational time transfers, and fertility. European Economic Review. Volume 124, May 2020, P 3. www.scopus.com
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)
4. David Amaglobeli, Hua Chai, Era Dabla-Norris, Kamil Dybczak, Mauricio Soto, and Alexander F. Tieman. The Future of Saving: The Role of Pension System Design in an Aging World. IMF STAFF DISCUSSION NOTE. INTERNATIONAL MONETARY FUND. P 47.
5. Роик В.Д. Экономика, финансы и право социального страхования: Институты и страховые механизмы / Валентин Роик. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – 257 с.
6. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизиминимолиявийбарқарорлигинитаъм инлашмасалалари. Монография. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.
7. Ш.З.Давронов. “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2019. – 56 б.
8. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 5.
9. Маматов Б.С. Ачилов У.У. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сонли қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низом.



ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Шарифзода Сардорбек Ўрзобой табиб ўғли-
УрДУ, "Педагогика ва психология" кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш мазмуни баён қилинган.

Калит сўзлар: компетенция, фаолият, ижтимоий компетентлилик, мотив

Шахснинг интегратив фаолияти маҳсули сифатида ижтимоий компетентлилик ўзининг муйян мазмуни ва таркибий тузилишига эга. Биз қуйида ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмлари устида тўхталишга ҳаракат қиласиз. Ижтимоий компетентлилик қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Мотивли-эмоционал компонент. Бунда ўқувчиларда атрофдагиларга нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш тажрибаси ҳосил қилинади: раҳмдиллик, эътиборлилик, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам ва меҳрибонлик сифатлари шакллантирилади.

- Когнитив компонент доирасида ўқувчиларда атрофдагиларни билишга йўналтирилган фаолиятни шакллантириш назарда тутилиб, бунда ҳар бир шахснинг ўзига хослиги, қизиқишилари, эҳтиёжлари, кайфиятидаги ўзгаришларни сезиш, ҳиссий ҳолатини билиш тажрибаси ҳосил қилинади.

- Хулқ-атворга асосланган компонент доирасида ўқувчиларда ўзаро мувофиқ келадиган вазиятларни танлаш, ўзаро мулоқотга киришиш, хулқ-атворнинг ахлоқий жиҳатдан аҳамиятли бўлган қўринишларини эгаллаш лаёқатлари шакллантирилади.

Ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, коммуникатив компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликнинг мазкур компонентлари таркиб топтирилади. Ушбу компонентлар нафақат мотивли-эмоционал компонентга тааллуқли, балки бошқа компонентларда ҳам ўз ифодасини топади. Иккинчи компонентнинг таркибига нафақат бошқаларнинг билимлари, ҳолати, балки ўзининг билимлари ҳам акс этади. Ҳамкорлик жараёнида ўқувчи ўз ҳолати, хусусиятлари, лаёқатларини идрок этган ҳолда ҳаракатланади. Ўз ҳаракатларини шеригининг кўзи билан қараган ҳолда идрок этади. Ҳар қандай нуқтаи назарнинг кучли ва кучсиз томонини кўра олади. Ҳудди мана шундай муносабат доирасидагина ўқувчи ўз атрофидаги воқеликни аниқ баҳолаш имконига эга бўлади.

В.Г.Первутинский нинг нуқтаи назарига кўра, ижтимоий компетентлилик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий интеллект – ижтимоий вазиятларни тушуниш ва мазкур вазиятларга мослашувчанлик билан ёндаши;

- маънавий етуклик – қадриятли йўналишлар, дунёқарашиб ва мотивлар;

- ижтимоий-касбий етуклик – перцептив, эмпатив, коммуникатив, рефлексив, ўз-ўзини намоён этиш, қўнималар;

- башорат қилиш, мақсадга интилиш;

- ахборот технологиялари ва хорижий тилни билиш, ижтимоий-ахлоқий етуклик, масъулиятлилик, мақсадга интилувчанлик, қатъиятлилик, ўзига ишониш, ташкилотчилик, талабчанлик[3].

Ушбу таркиб ҳам бизнингча, ижтимоий компетентлиликни тўлиқ ифодаламайди. Ижтимоий-касбий компетентлилик ўзида фақатгина меҳнат ва касбий қўнималарни мужассамлаштиrsa, ижтимоий-ахлоқий етуклик, лидерлик сифатларини ифодалайди.

Н.В.Калинина[1]нинг таъбирича, ижтимоий компетентлилик иккита таркибий қисмни ўзида мужассамлаштиради. Когнитив хулқ-атворга асосланган шакллантирувчи компонент муайян таркибий қисмлардан иборат: ижтимоий интеллект, ижтимоий қўнималар, ижтимоий хулқ-атвор қўнималари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятни бажариш имконини берадиган маҳсулдор усуллар, мураккаб ҳаётий вазиятларда самарали муносабат ўрнатиш қўнималари ҳамда конструктив хулқ-атвор қўнималари. Мотивли-шахсий шакллантирувчи компонент жамиятда ўзини намоён қилиш ҳамда унга хос шахсий сифатларни ифодалайди.



Кўриниб турибдики, ушбу таркибий қисмларни мужассамлаштирган ҳолда мотивли ҳамда шахсий компонентларни белгилаш мумкин.

Ўз навбатида М.И.Лукъянова[2] ҳам ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмларини аниқлашга ҳаракат килган:

- мотивли-қадриятли компонент ижтимоий фаолият мотивлари, шаклланган мотивация, ютукларга эришишга интилиш, ижтимоий муносабатларнинг қонун-қоидаларини ўзлаштириш, ахлоқий меъёрларга позитив муносабатда бўлиш, жамоа тартибига риоя қилишни ўз ичига олади;

- жараёнли мазмунли компонент ўз ичига ўзи ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш имконини берадиган билимлар, кўникмалар, малакалар, ўзаро муносабатлар натижасини башорат қилиш, мулоқот орқали атрофдагиларга таъсир кўрсатиш, ўз олдига мақсад қўйиш ва уни амалга ошириш учун интилиш кўникмаларини қамраб олади;

- ҳиссий-иродавий компонент ўз ичига ечимларни танлаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш лаёқатига эга бўлиш, ўз зиммасига масъулият олишга тайёрлик, ўзига ишонч ва қатъиятли бўлиш каби сифатларни бирлаштиради[2;126-б].

Биз юқорида кўрсатиб ўтган компонентлар шахснинг ижтимоий компетентлилигини имкон қадар тўлиқ ифодалашга хизмат қиласиди. Уларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги таркибий қисмларга бирлаштириш мумкин: мотивли, когнитив, фаолиятли ва рефлексив.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Калинина Н.В. Развитие социальной компетентности школьников в образовательной среде: психолого-педагогическое сопровождение / Н.В. Калинина. – Ульяновск: УИПК ПРО, 2014. – 228 с.
2. Лукъянова М.И. Психологические аспекты развития социальной компетентности школьников. - Ульяновск, 2003. - 207 с.



ТАЪЛИМДА ФАОЛИЯТЛИ ЁНДОШУВНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Худойназаров Эгамберган Мадрахимович –
УрДУ, “Бошланғич таълим методикаси”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич математик таълимда фаолиятли ёндошув амалий топшириклар муаммоларини тадқиқ қилишнинг методологик асоси эканлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: амалий топшириклар, ривожланиш, мотив, фаолият, фикрлаш фаолияти

Тадқиқотларимиз давомида биз таълим жараёнида амалий топшириклардан фойдаланишнинг икки жиҳати мавжудлигини ҳисобга олдик: мазмунли ва процессуал. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчиларнинг ривожлантириш масаласини ҳал қилиш учун маълум бир таълим моделини танлашимиз лозим. Бу албатта амалий топшириклар мазмунига таъсир кўрсатади. Бундай технология сифатида бизлар ривожлантирувчи таълим технологиясини қабул қиласиз. Педагогик лугатда (ривожланиш) тушунчасига қуйидагича тушунтириш берилган:

Ривожланиш – инсоннинг руҳияти ва организмидаги сифатий ўзгаришлардир. Бу ўзгаришлар ижтимоий муҳит, уй-жой шароитлари, уни қуршаб турган кишиларнинг таъсир натижасида юз беради. Инсоннинг ривожланишида, яъни, уни тарбиялашда жамият томонидан ташкил этилган таълим муассасаларининг ва таълим-тарбия жараёнига қатнашаётган тарбия муҳим роль ўйнайди.

Ривожланиш-объектив жараён бўлиб, ташқи ва ички бошқарилувчи омиллар томонидан миқдор ва яъни, шахснинг фазилатлари, сифатлари ва хуқуқларининг шаклланиши, осондан-қийинга, оддийдан-мураккабга, мавхумдан-аниқликка, оддий ҳаёт кечириш шаклларидан-олий фаолиятга ўтиш жараёнидир. Л.В.Зонков “умумий ривожланиш”нинг моҳиятини қараб чиқища ўқув фаолиятининг ривожланиш жиҳатини четда қолдиради, ўқувчининг ўқув жараёндаги ўрни ва ролини кўрсатиб бермайди.

Бундан фарқли равишда В.В.Давыдов ривожлантирувчи таълимнинг моҳиятини ҳар бир ўқувчининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишида деб ҳисблайди. Яъни ҳар бир ўқувчини “таълимнинг ўз-ўзидан ўзгарувчи субъекти сифатида” қарайди. Бундай субъект бўлиш-демак ўз-ўзини ўзгартириш эҳтиёжига эга бўлиш ва уни таълим воситасида қаноатлантириш қобилятига эга бўлиши, яъни, ўқишиҳо хоҳлаши, севиши ва удулай олиши лозим [5].

Ривожлантирувчи таълимга И.С.Якиманская қуйидагича таъриф беради: “Билимларни тўлақонли эгалланишини таъминловчи таълим, ўқув фаолиятини шакллантиради ва айнан шу билан ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига бевосита таъсир қиласи. Бу ривожлантирувчи таълимдир” [8].

Ривожлантирувчи таълимнинг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда биз Х.Ж.Ганеев томонидан берилган таърифни асос қилиб олдик -“мақсади ва натижаси ўқувчиларни ақлий ривожлантириш ва билимларни эгаллаш бўлган, маълум ахборот соҳаси бўйича фаолият усулини шакллантиришга йўналтирилган таълим ривожлантирувчи таълимдир”[2].

Бу тасдиқ шуни кўрсатадики, инсонга таълим бериш билан унинг психик ривожланиши ўртасида ҳар доим фаолият туради. Мана шунинг учун бошланғич ривожлантирувчи таълимни қараб чиқища аввало ўқув фаолиятининг мазмунини ва тузилишини тубдан таҳлил қилиш зарур. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг психик ривожланиши ана шу ҳолатга бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб юқорида келтирилган фактларга асосланган ҳолда биз фаолиятли ёндошувни амалий топшириклар тизимини яратишида методологик асос сифатида қараймиз.

Аммо бу масалани “фаолият” категориясиз қараб чиқишининг иложи йўқ. Чунки бу категория ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш учун муҳим методологик аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда “фаолият категорияси” анчагина чуқур асосланганлигини ва аниқликлар киритилганлигини кўриш мумкин.

М.С.Каган учун фаолият-бу субъектнинг бошқа объект ёки бошқа субъектларга



йўналтирилган фаоллигидир [4]. М.С.Каган томонидан таклиф қилган таърифда фаолиятни учта асосий элементи ажратиб кўрсатилган ва улар ўртасидаги тузилмавий алоқалар ўрнатилган: бирор обьекга ёки бошқа субъекга нисбатан субъектнинг фаоллиги; субъектнинг фаоллиги йўналтирилган обьект; фаолликнинг ўзи у ёки бу усулда обьектга таъсир қилишда ёки субъектлар ўртасида алоқалар ўрнатишда ифодаланади. Айтилганларга асосланган холда билиш фаолиятининг таърифини шакллантириш мумкин. Агар обьектга йўналтирилган фаоллик обьектнинг сифатлари, алоқалари, муносабатлари, реал дунёнинг қонунлари яъни билим кўринишида ахборат тарзида субъектга қайтарилса, у холда бундай фаолиятга билиш фаолияти дейилади. Агар субъектнинг фаолияти субъект учун бу обьектнинг аҳамияти ҳақида ахборат тарзида ифодаланса бундай фаолият – қадриятли йўналтирилган фаолият дейилади.

Ўқув жараёни шароитидаги фаолият дейилганда биз обьект ва субъектнинг янги маҳсулот олиш учун йўналтирилган идеал ёки моддий шаклидаги ўзаро таъсирини тушунамиз. Ушбу таърифдан кўринадики фаолиятнинг асосига у ёки бу фаолият маҳсулини олиш технологияси қўйилмоқда. Таъкидлаш лозимки технология фаолият субъекти ҳам, ёки обьекти ҳам эмас. Ўқувчилар синфда ўтириб ўқиб, билим, кўникмаларни эгаллашлари учун уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гальперин П.Я. Психология как объективная наука. Изб.психологические труды, – Воронеж, 1998. - 48 с.
2. Ганеев Х.Ж. Теоретические основы развивающего обучения математике/Урал. гос. пед. Ун-т. – Екатеринбург, 1997. 160 с.
3. Давидов В.В. Теория развивающего обучения. – М.: Интор, 1996. 544 с.



**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 29-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(9-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000